

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ

**Аннотация:** ушбу мақолада биз корхонада мавжуд асосий воситаларнинг қийматини бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида қайта баҳоланишини, қандай асосий воситалар қайта баҳоланиши лозимлиги, асосий воситаларни қайта баҳолаш даврийлиги ва муддатлари, асосий воситаларни қайта баҳолашнинг бухгалтерия ҳисоби ҳақида фикр юритамиз.

**Калит сўзлар:** асосий воситалар, қайта баҳолаш, бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, эскириш, ҳаққоний қиймат.

5-сон БҲМС га мувофиқ асосий воситаларни қайта баҳолаш асосий воситалар қайта тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мувофиқлаштириш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир. Президентимизнинг 30.12.2020 йилдаги 4938-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларни ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинган. Агар корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатида қайта баҳолаш назарда тутилган бўлса, қайта баҳолашни ихтиёрий равишда ўтказишлари мумкин бўлади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттирилади. Авваламбор қандай асосий воситалар қайта баҳоланишини ва қайта баҳоланмаслигини билиб олишимиз зарур.

Қуйидаги асосий воситалар қайта баҳоланиши мумкин:

- корхона мулкида, хўжалик юритувида, оператив бошқарувида бўлган (0100-счётлар);
- молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган (0310-счёт);
- уларнинг техник ҳолатидан қатъий назар;

- фаолият юритаётган ва фойдаланилмаётган;
- консервация қилинган;
- ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, бироқ тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган;
- тугалланмаган қурилиш объектлари (0810-счёт);
- ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700-счётлар).

Қуйидаги асосий воситалар қайта баҳоланмайди:

- ер майдонлари, хусусийлаштирилган ер майдонларидан ташқари;
- табиатдан фойдаланиш объектлари (сув, ер қаъри ва бошқа табиат ресурслари).

Корхоналар қайта баҳолашни ўтказишга қарор қилган бўлса, асосий воситалар қанча вақт оралиғида ва қандай муддатларда қайта баҳоланишини корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида белгалаб қўйишлари керак. Корхоналар ҳисоб сиёсатида талаб этилган вақт оралиғида қайта баҳолашни ўтказишлари зарур.

5-сон БҲМС га мувофиқ асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати қайта баҳоланганда қайта баҳолаш ўтказилган санадаги уларнинг жамланган амортизацияси асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ўзгаришига мос индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган амортизация қайта баҳоланган қиймат ҳисобидан амалга оширилади. Асосий воситалар индексация йўли билан ёки расмий тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайтадан ҳисоб-китоб қилиш орқали қайта баҳоланади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг баҳосини ўсиши суммаси резерв капитали таркибига «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётига олиб борилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг баҳосини пасайиши суммаси «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

счётига резерв капиталининг мазкур объектнинг аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган баҳосини ўсиши суммаси доирасида камайишига олиб борилади. Объектнинг баҳосини пасайиши суммаси унинг баҳосини ўсиши суммасидан ошиши бошқа операцион харажатларга олиб борилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий даврда акс эттирилади.

Ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолати бўйича ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижалари аввалги ҳисобот йилидаги молиявий ҳисобот маълумотларига киритилмайди, балки ҳисобот йили бошига молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантиришда қабул қилинади. Бунда ўтган йил якуни ва ҳисобот йили бошидаги маълумотларнинг мос келмаслиги ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолати бўйича ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси сифатида тушунтирилади ҳамда жорий давр молиявий ҳисоботига тушунтириш хатида баён этилади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, корхоналар барқарорлигини таъминловчи асосий воситалар ҳисобининг тўғри юритилиши, уларнинг ҳолати тўғрисида аниқ маълумот беришда бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида қайта баҳоланишини молиявий ҳисоботнинг муҳим жиҳати бўлиб, активларни баҳолашда шаффофлик ва аниқликни таъминлайди. Халқаро ва миллий молиявий ҳисобот стандартларига риоя қилиш ушбу жараённинг турли корхона ва ташкилотларда изчил амалга оширилишини кафолатлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2020 йилдаги ПҚ-4938-сонли қарори .

2.Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли миллий стандарти.